

КИНОҚИССА – КИНО ВА АДАБИЁТ СИНТЕЗИ МАҲСУЛИ

Бобуржон БОЙМАТОВ

таянч докторант

Андижон давлат университети

Андижон, Ўзбекистон

boburjon.boymatov@mail.ru

Аннотация

Мақолада киноқиссанинг эпик турга мансуб, синтетик табиатга эга, мустақил жанр эканлиги ҳақидаги қарашлар илгари сурилган, киноқисса ва сценарий тамоман алоҳида ҳодиса эканлиги таъкидланган. Киноқиссанинг композицияси, сюжети, тил хусусиятлари Эркин Аъзам киноқиссалари асосида мисоллар билан таҳлил қилинган. Бунда таниқли олимлар, ёш тадқиқотчиларнинг фикрлари ўрганилган ҳолда муаллифнинг шахсий ҳулосалари берилган.

Таянч сўзлар: адабиёт, адабий тур, эпик тур, жанр, кино, киноқисса, композиция, синтез, сценарий, сюжет.

КИНОПОВЕСТЬ - ПРОДУКТ СИНТЕЗА КИНО И ЛИТЕРАТУРЫ

Бобуржон БОЙМАТОВ

Базовый докторант

Андижанский государственный университет

Андижан, Узбекистан

boburjon.boymatov@mail.ru

Аннотация

В статье отмечается, что киноповесть представляет собой эпический, синтетический, самостоятельный жанр, и что киноповесть и сценарий - совершенно отдельные явления. Композиционно-сюжетные и языковые особенности киноповести анализируются на примерах киноповестей Эркина Азама. Собственные выводы автора основаны на мнениях известных ученых и молодых исследователей.

Ключевые слова: литература, литературный тип, эпический тип, жанр, кино, киноповесть, композиция, синтез, сценарий, сюжет.

Санъат турлари орасидаги ўзаро қоришиқлик янги санъат турларини юзага келтирмоқда. Санъатлар синтези тушунчаси сифат жиҳатдан янги бадийлик яратишни назарда тутди. Бунда ҳар бири ўзининг чекланган ифода ва тасвирий имкониятига эга бўлган санъатлар бирлашуви натижасида ифодаси беқиёс янги бадий асар юзага келади. Бадий асар ғояси, образ ва композицион

бутунлиги, макон ва замонни яратишдаги умумий иштироки, кўлами, ритмидаги монандлик санъатда уларни идрок этишни кучайтириб, сифат ўзгаришларини юзага келтиради; бадий ғоялар ривожига серкирралик бахш этиб, инсонга ҳар тарафлама тўла ҳиссий таъсир кўрсатади. Бу жараён адабиёт илмини ҳам четлаб ўтгани йўқ. Жумладан, адабий турлар ва жанрлар орасида ҳам синтез жараёни кучайиб турли хил янги шакл ва мазмундаги жанрлар пайдо бўлди. Мана шундай жанрлар сирасига киноқисса жанрини ҳам киритишимиз мумкин.

Киноқисса ўз номи билан кино ва қисса уйғунлиги демакдир. Ўзбек адабиётида киноқисса жанрида асарлар яратилаётганига бир қанча вақтлар ўтган бўлса-да, адабиётшунослигимизда ҳали бу жанр чуқур ўрганилмаган. Шунинг эътиборига олиб биз энг аввал киноқиссанинг жанр хусусиятларини аниқлаб олишга ҳаракат қиламиз.

Дастлаб қаршимизда кўндаланг бўладиган саволлар қуйидагилар: Киноқисса жанри қайси адабий турга киради? Бу жанрда яратилган асарлар адабиётга дахлдорми? Адабиётшунослик объекtimi?

Шу кунгача ҳам аксарият олимлар киноқисса атамасини сценарий билан ёнма-ён қўллаб келдилар. Масалан, “Адабий турлар ва жанрлар” китобида қуйидаги фикрлар баён этилган: *“Энди кино ва музикани олсак. Улар санъат турларидир. Шу боисдан уларни баъзи олимлар сингари адабий тур, деб таърифлаш унча тўғри бўлмайди. Кинодраматургияни олсак, киносценарийларнинг асоси адабий материалдир. Бир томондан, киносценарийларнинг жанр табиатини кўзда тутсак, уни драмага нисбат бериш мумкин. Чунки улар драманинг қонун-қоидаларига риоя қилиб ёзилган. Киносценарий асосида қўйилган аксарият филмларнинг жанр хусусиятлари эса кўпроқ эпосга тааллуқли эканлигини кўрсатади...*

Кино – синкретик санъатнинг мустақил кўриниши, маҳсули. Худди шу фикрни музикага ва музиканинг хилма-хил жанрдаги асарларига татбиқ қилиш

мумкин. Бу санъатлар бевосита адабий турларга кирмайди. Лекин уларнинг бир-бири билан қўшилиб кетадиган жойлари, ижодий муносабат ва ҳамкорлиги бор” [1;9].

Юқоридаги фикрлардан англашилишича муаллиф киноқиссанинг ёзилиш услуби драманикидек, лекин кўп жиҳатлари эпик асарларга хос деб таъкидламоқда. Аммо охирида кино алоҳида бир санъат бўлиб умуман адабий турларга кирмайди демоқда. Келтирилган иқтибос китобнинг филология фанлари доктори Б.Назаров томонидан ёзилган “Эпос – адабий тур сифатида” деб аталган I бобидан олинган.

Биз Б.Назаровнинг кино алоҳида санъат деган фикрини инкор этмаган ҳолда, киноқиссанинг сценарийдан тамоман алоҳида мустақил жанр эканлиги ҳақидаги фикримизни илгари сурамыз.

Жанр номидаги кино сўзига қараб, уни кино олиш учун яратилган сценарий деб ўйламаслик керак. Гап сценарий ҳақида кетганда шуни таъкидлаш жоизки, сценарий адабиётнинг тўлақонли аъзоси бўла олмайди. Сабаби у алоҳида асарлик белгиларини намоён қилмайди. Дилмурод Қуронов драматик тур ва унинг жанрлари ҳақида гапирар экан сценарийга ҳам тўхталиб ўтади: “... *сценарий — спектаклнинг муфассал режаси, алоҳида асар эмас, иш жараёнида фойдаланиладиган ёрдамчи восита, холос*” [3;403]. Киносценарийлар ҳеч қачон ўқувчи учун ёзилмайди, сценарийнависнинг мақсадлари орасида бошиданок китобхонга ўрин йўқ. Ундан фақатгина рол ўйновчи актёрлар ва бошқа фильм ижодкорлари ўзларининг вазифаларини билиб олишади. Сценарийни ўқиб ундан бадий асарни ўқиганчалик эстетик завқ олиш имконсиз. Қолаверса, сценарийнинг кино олиш учун мўлжаллаб ёзиладиган турларидан ташқари сайллар, байрам томошалари, маданий-маърифий кечалар ва шунга ўхшаш турли тадбирлар учун ёзиладиган кўринишлари ҳам мавжуд. Бу жиҳати билан ҳам у тўлақонли асар эмас, балки асар, масалан, кино асари яратишдаги восита, ишчи материал эканлигини намоён қилади. Киноқисса эса, аввалбошдан, ўқиш

учун мустақил асар сифатида режалаштирилган ва шу режа-ниятга мувофик яратилган, шу сабабдан мустақил асарга хос барча хусусиятларга эга. Яъни у бадий асар сифатида тўлиқ шаклланган, тугал ва ўз ҳолича ҳам бадий-эстетик қимматга эгадир.

Ёзувчи Эркин Аъзам ўзининг киноқиссаларини жамлаб “Танҳо қайиқ” номи остида алоҳида тўплам қилиб нашрдан чиқарди. Ушбу тўпламга матбуотда кўп муносабатлар билдирилди. Таниқли олим филология фанлари доктори Шавкат Ҳасанов киноқисса жанри ҳақида гапирар экан унинг алоҳида жанр эканлигини эътироф этади:

“Янги давр янги зояларни, янги зоялар янги шаклларни талаб қилади... Бугун қисса жанрининг шундай ўзгаришларга юз тутishi ҳам табиий ва қонунийдир. Бу борада, киноқиссаларнинг ўзига хос жанр сифатида таркиб топиши ва такомиллашишида Эркин Аъзамнинг муносиб хизматлари бор...

Адабиёт тарихидан маълумки, ҳар қандай жанр даврнинг шаклу шамойилини, замондошларнинг ўй-кечинмалари ва интилишларини ёрқинроқ ифодалаш истаги туфайли пайдо бўлади. Ана шу истак ва изланишларнинг самараси ўлароқ Эркин Аъзам киноқиссалари ўқувчининг ҳам, томошабиннинг ҳам янгиланиб бораётган талабларига жавоб бераётганлиги бу ҳилдаги асарларнинг келажасига умид билан қарашига ундайди” [7].

Э.Аъзамнинг “Танҳо қайиқ” тўплами нашр бўлганлиги муносабати билан ёш тадқиқотчи Шохрух Абдурасулов “Танҳо қайиқ ҳайратлари” номли мақола ёзган. Ёш олим мақоласида китобга умумий тавсиф бериш билан биргаликда, ҳар бир киноқисса ҳақида ўз таассуротларини, ушбу киноқиссаларнинг бадий қийматини алоҳида таъкидлайди. Ш.Абдурасулов мақолада ушбу китобга жамланган асарлар ҳақида тўхталиб ўтар экан уларнинг жанри масаласида ҳам ўз фикрларини баён қилиб ўтади: *Илло Эркин Аъзамдек санъаткор адибнинг киобитикларини наинки фильм қилиш, балки ҳеч қайси ҳикояю қиссадан кам кўрмай, кўзга суртиб ўқиш мумкин. “Шарқ” нашриётида чоп этилган ва*

ёзувчининг сара киноқиссалари жамланган “Танҳо қайиқ” номли китоб фикримизни тасдиқлаб турибди. Дарвоқе, бу асарлар киносценарий эмас, киноқисса жанрига мансуб, бинобарин, бу икки тушунчани бир-биридан фарқлаш лозим” [6].

Адабиётимизда киноқиссанинг жанр хусусиятлари тўла аниқланмагани боис адабиётшунослик луғатларида кинороман, киноқисса, киноҳикоя каби терминларнинг изоҳи берилмай келмоқда. Бир қанча йиллар аввал Москвада чоп этилган адабиётшунослик терминлари луғатида киносценарий, киноновелла, киноқисса ва кинороман атамаларининг изоҳи келтирилган. Луғатда киноқисса таърифланар экан, киноқисса аввал сценарий ўлароқ тушунилгани аммо сўнгги йилларда унинг алоҳида жанр сифатида бўй кўрсатаётгани таъкидланган. Мана ўша ўринлар:

“В прочем, в последние годы мало-помалу утверждается и другое значение этого термина: ударение как бы переносится со слова «кино» на слово «повесть». Так, К. называют сценарий, специальным образом переработанный для чтения (при переработке убираются специфически кинематографические термины, расширяются диалогические сцены, вводятся лирические отступления, грамматическое настоящее время заменяется прошедшим и т. д.). Кроме того, иногда К. называют повесть, написанную с заведомой ориентацией автора на некие кинематографические приемы рассказа (в эти приемы входят дробление действия на мелкие сценки, лаконичность диалога и авторских пояснений, монтажный характер сопоставления эпизодов” [3;124].

Яъни охирги йилларда киноповест – киноқисса сўзининг иккинчи қисми “қисса”га урғу берилмоқда, атама маъноси кўпроқ шу қисмга тушмоқда. Киноқисса ўқиш учун махсус ёзилган асар эканлиги айтилмоқда.

Бир асар ёки бир жанр ҳақида қандайдир хулоса бериш учун гоҳида адибнинг фикрларини билиш ҳам фойдадан ҳоли бўлмайди. Адиб асар ёзишдан аввал қандай ниятда бўлиши, асарини қай мақсадда ва ким(лар)га бағишлаб

ёзиши олимлар учун қизиқ бўлиши билан бир қаторда китобхонлар учун ҳам қизиқарли, назаримизда. Бугунги кундаги кўплаб машҳур киноқиссаларнинг муаллифи Эркин Аъзам айнан киноқиссани ёзишдан қандай мақсад кўзлаганини қуйидагича баён қилади: *“Хўш, унча-мунча ёзганлари кинога айланган, “эга-эгасини топган” экан, нега мен уларни тўплаб яна китоб қилмоқчиман? Аввало, ушбу тўпламда кино бўлмай қолганлари ҳам бор: заҳира, бисот, ўлмас мулк дегандай. Энг асосий сабаби эса... номим қайд этилган ўша ўн фильмнинг бирортасидан охиригача кўнгил тўлмаган. Шундай бўлишини олдиндан билганим учун ҳам мен уларга оз-моз кино тусини бериб, дангал киноқисса деб атаб, аммо-лекин бошиданоқ китобга мўлжаллаб ёзаман: кино қилинса қилинар, бўлмаса ўқилар-ку”* [2;5].

Демак, юқорида таъкидлаганнимиздек киноқисса аввало бадиий асар сифатида ўқиш учун ёзиши ўз тасдиғини топди. Ушбу келтирилган маълумотлар киноқиссанинг аллақачон мустақил адабий асар, янги адабий жанр сифатида шаклланиб улгурганидан далолат беради.

Киноқисса адабиётнинг эпик турига хос бир талай етакчи хусусиятларни ўзида намоён қилади. Дилмурод Қуроновнинг фикрича, *“эпик жанрнинг кино таъсирида шаклланган модификациялари — киноэтюд, киноҳикоя, киноқисса, кинороман кабилар ҳам адабиёт мулкида фуқаролик олишга ҳақли. Зеро, тасвир йўсини кинодагига монанд бўлгани ҳолда, уларда ҳам воқебандлик хусусияти етакчилик қилади. Шу билан бирга уларда ҳам худди драмадаги каби воқеанинг “ҳозир содир бўлаётганлик” иллюзияси сақланиб қолаверади”* [5;375]. Юқоридаги фикрдан ҳам киноқиссанинг эпик асарга ва драматик асарга ҳам ўхшаш жиҳатларга эга эканлигини билиб олиш мумкин.

Бундан келиб чиқадики, киноқисса драма ва қисса, қолаверса, сценарийнинг айрим жиҳатларини акс эттиради. Киноқисса ёзаётган адиб ўзини нафақат ёзувчи, балки кинорежиссёр, тасвирчи ўрнида тасаввур қилиб кўриб

ижод қилади. Юқорида Эркин Аъзам айтган “оз-моз кино тусини бериб” ёзиш киноқиссанинг синтетиклиги масаласининг асосини ташкил қилади.

Киноқиссага драма элементлари, шунингдек, қисқа боблар, аниқ ажралиб турадиган кадрлар тасвири, актёр юз қиёфасининг батафсил тасвири, ривояларни камайтириб ўрнида диалогларнинг кенг ишлатилиши тасодифан бўлиб қолмайди. Барчаси ижодкорнинг тафаккур синтези самараси ҳисобланади.

Бадий асар ёзаётган адиб доим ҳаёлида китобхонни тутиб туради, у билан, айтиш мумкин бўлса, мулоқотга киришади. Киноқисса ёзаётган адиб эса фақатгина китобхон билан эмас, балки томошабин билан ҳам алоқада бўлади. Ўқувчини қай даражада эътиборда тутса, томошабинни ҳам эътиборда тутиши лозим бўлади. Чунки киноқисса аввало бадий асар, шу билан биргаликда, у кино асарга айланиш имкониятини ҳам сақлаб қолади.

Бадий адабиётга кино асарнинг таъсир қилиши натижасида адабиётда тасвир йўсинининг ўзгаргани исбот талаб қилмас ҳақиқат. Киноқиссадаги ўша тасвир йўсини туфайли ҳар бир эпизод, ҳар битта кадр яққол кўзга ташланиб туради. Бунда икки хил йўлдан борилади. Қуйидаги парчага диққат қилинг:

“Олисдан кимдир от чоптириб келяпти. У дам қишлоқ ичида йўқ бўлиб кетади, дам тоғ бағрида пайдо бўлади. Ниҳоят, у бутун қишлоқ устида қаққайиб турган қояда кўзга ташланиб тоғнинг орқа томонига тушиб кетади” [4; 264]. Бу каби тасвирда ёзувчи назари бир объектдан бошқасига ўзгармайди, фақатгина объектнинг ҳаракати ўзгаради. Ёзувчи эса бу ҳаракатларни бирма-бир тасвирлайди. Айни жараёнда ёзувчи худди тасвирчи ролида бўлади. “Суратга олган” материали ҳам китобхонга ёзувчи қандай кўрган бўлса шу ҳолича етиб келади.

Иккинчи тасвир йўсини биринчисидан фарқли равишда объектларнинг ўзгариб туриши ва шунга мос тарзда ёзувчи нигоҳининг ҳам бир марказдан

бошқасига ўтиб туриши тарзида намоён бўлади. “Баҳор булутлари” киноқиссасидан олинган яна бир парчага эътибор қаратамиз:

“Катта бедазор. Кундуз кун. Чап томонда қишлоқнинг четки уйлари кўриниб турибди. Шу уйларга омонатгина қурилган минбар. Унинг тепасида “Яшасин 1-май!” деган шиор ёзилиқ алвон иккита пўсти юлинган тол поясига тортиб қўйилибди. Баланд столбадаги репродуктордан музика эшитилипти. Ариқ лабида кимдир тутун бурқситиб кабоб пиширяпти. Ундан нарида ёнма-ён бир нечта от турибди. Отларни одамлар ўраб олишган. Ўртада чавандозлар. Улар орасида Собир, Маҳмудлар ҳам бор. Чавандозлар Раҳмат аканинг сўнги топшириқларини эшитмоқда. Бир чеккада қизлар туришибди. Ҳаммаларининг диққати чавандозларда” [4; 267].

Келтирилган парчада ёзувчи худди тасвирланаётган байрамда ўзи қатнашаётгандек. Ҳар бир бўлаётган жараёни кўлидаги камера билан тасвирга олиб бирма-бир ўқувчига узатаётгандек таассурот қолдиради. Ушбу тасвир йўсини адабиёт ва кино санъатининг синтезлашувининг бир бўлаги сифатида намоён бўлади.

Киноқиссанинг яна бир хусусияти ўзгача композицияда кўзга ташланади. Композиция жиҳатидан бу жанр драмага бир қадар ўхшасада, ундан фарқли жиҳатлари талайгина. Кузатишлар давомида кўплаб киноқиссаларда драмадагидек қаҳрамонлар рўйхати, парда, сахна, кўриниш, манзара кабилар композицион унсурларнинг йўқ эканлиги кўзга ташланади. Киноқиссадаги бобларнинг вазифаси драмадаги парда бажарадиган вазифага ўхшаш. Лекин бу боблар (бўлимлар)га бўлиниш драманинг пардаларга бўлиниши билан эгизак тушунчалар экан деб ўйлаш хато хулоса бўлади. Киноқиссадаги боблар ҳажман пардадан кичик, сон жиҳатидан эса бир неча баробар кўп. Бундай фарқни ҳар иккала жанрнинг хос хусусиятлари билан изоҳлаш мақсадга мувофиқ, назаримизда.

Тил хусусиятлари жиҳатидан ҳам киноқисса ўзига хосликка эга. Масалан, гапларнинг синтактик тузилиши, феълларнинг аксарият ҳолатларда келаси замонда, кам ҳолларда ҳозирги замонда ифодаланиши киноқиссанинг драма билан умумий хусусияти бўлса, асар нутқий тузилиши, яъни муаллиф нутқи, ровий нутқи, персонажлар нутқининг жойлашуви ўринлари драмадан фарқли эканлиги кузатилади

Киноқисса ёзишда адиб олдидан бу асарни томошабин учун ҳам қайта яратилиш имкониятини назарда тутди. Шу жиҳати билан драма билан киноқисса бир нуқтада кесишади. Ҳар иккала жанр – киноқиссада ҳам, драмада ҳам иккинчи умрни яшаш имконияти мавжуд. Киноқиссани яратар экан, ёзувчи ўзини режиссёр, томошабин ва ижрочи актёрлар ўрнига қўйиб кўриб ёзади. Бу жараёнда адиб томонидан “томошабин учун нима қизиқ?”, “Мен томошабинга нима бера оламан?”, “Ўйлаган нарсамни етказиш учун қайси усуллардан фойдалансам мақсадга мувофиқ келади?” деган саволларга жавоб топилади. Бошқа томондан эса ёзувчи китобхонни ҳам унутмайди, гўё икки қутб ўртасида мувозанатни сақлаб туришдек мушкул вазифани бажаради.

Киноқиссани эпик турга киритишимизнинг сабаби у деярли қисса билан тенг келади. Тасвир йўсини бир бир оз бошқачароқ, холос. Адабиётшуносликда эпик асарларни жанрларга ажратишдаги одатдаги тамойилларга таянадиган бўлсак, асарда акс этган муаммолар қўлами ва асарда акс этган ҳаёт қамровининг турлича эканлиги жанрларга ажратишда асос ҳисобланади. Бу жиҳатдан қисса марказида бир қаҳрамон туради ва асардаги барча воқеа ҳодисалар ўша инсоннинг атрофида юз беради. Қаҳрамон характери очиқ бериш, ҳар жиҳатдан тавсифлаш, қисқа қилиб айтганда, бош қаҳрамоннинг тўлақонли бадиий қиёфасини яратиш қисса жанрининг асосий функцияси ҳисобланди. Қисса жанрининг шу жиҳатлари киноқисса учун ҳам хос хусусият саналади. Масалан, Эркин Аъзамнинг “Забаржад” киноқиссасида Забаржад,

“Сув ёқалаб”да Болта Мардон, “Пиёда”да Бердибой, “Пакана”да Шамшодбек, “Қарздор”да Баҳром ҳақида ҳикоя қилинади.

Киноқисса ўзининг композицияси, сюжети, образлар тизими, тил хусусиятлари билан яхлит бутунликдаги бадиий асар, насрий йўлда яратилганлиги, қолаверса, асосида эпик асар предмети ҳисобланган воқелик ётиши билан эпик тур талабларига тўла жавоб беради.

Бугунги дунёга назар ташлаб ҳамма соҳа, ҳамма нарса қатори санъат турлари орасида ҳам синтез жараёнлари кетаётганлиги, киноқисса ҳам кино санъатининг сўз санъати бўлмиш адабиётга таъсири натижасида юзага келганлигини англаш мумкин. Бир сўз билан айтганда киноқисса бугунги кун адабиётидаги замонавий жанрдир. Кейинги йилларда Эркин Аъзам билан бир қаторда Абдуқаюм Йўлдошев, Шомирза Турдимов, Миразиз Аъзам каби кўзга кўринган ижодкорлар киноқисса жанрида асарлар яратиб келмоқдалар. Бу эса жанрнинг истиқболи юзасидан ижобий фикр билдиришга асос бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Адабий турлар ва жанрлар. Уч жилдлик. II-жилд. – Тошкент: Фан, 1991. – 382 б.
2. Аъзам Э. Танҳо қайиқ: киноқиссалар. – Тошкент: Шарқ, 2017. – 256 б.
3. Словарь литературоведческих терминов. //Редакторы-составители И.Тимофеев и С.В.Тураев. – Москва: Просвещение, 1974. – 124 с.
4. Умарбеков Ў. Сайланма: Уч жилдлик. Учинчи жилд. Драмалар. Қиссалар. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 1985. – 400 б.
5. Quronov D. Adabiyot nazariyasi asoslari. – Тошкент: Navoiy universiteti, 2018. – 480 б.
6. <http://notiq.uz/ru/archives/7001>
7. <https://zarnews.uz/uz/post/erkin-azamning-parizodi>